

ЯСМИҚ: ОҚСИЛ ВА ВИТАМИНЛАРГА БОЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕМ-ХАШАК ЭКИНИ

Мамасолиева Сурайё Эркин қизи, таянч докторант,
ORCID ID: 0009-0005-3227-6233
Ризаев Шухрат Худойбердиевич, қ.х.ф.д. (DSc), доцент.
ORCID ID: 0009-0007-9161-2190
Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти.

Аннотация. Илмий мақолада ясмиқ экинини дунё деҳқончилиги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологияси, етиштириш агротехникаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ясмиқ, биологик хусусияти, морфологик хусусияти, етиштириш агротехникаси, дон ҳосили.

Аннотация. В научной статье представлена информация о значении культуры чечевицы в мировом сельском хозяйстве и народном хозяйстве, биологии, агротехнике выращивания.

Ключевые слова: чечевица, биологические характеристики, морфологические характеристики, агротехника возделывания, урожайность зерна.

Abstract. The scientific article provides information on the importance of lentil crop in world agriculture and national economy, biology, agrotechnics of cultivation.

Keywords: lentils, biological characteristics, morphological characteristics, agrotechnics of cultivation, grain yield.

Сўнгги йилларда дунёда кўплаб давлатлар дуккакли-дон экинларини етиштириш орқали озиқ-овқат ва оқсил муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Дуккакли экинларни етиштириш дунё миқёсида аста-секин ўсиб боришига қарамасдан, улардан олинадиган ҳосилдорлик, паст ҳосилича сақланиб қолинмоқда. Албатта, бунинг асосий сабаларидан бири, иқлим шароитларининг глобал ўзгариб бораётганлиги бўлса, иккинчидан уларни етиштириш агротехнологиясининг етарли даражада ўрганилмаганлиги билан боғлиқдир.

Республикамызда оқсилнинг асосий манбаи бўлиб, нўхат, соя, мош ва ловия каби экинлар кенгроқ майдонларда экилиб келинмоқда. Лекин, дуккакли-дон экинлари орасида оқсил ва витаминларга бой бўлган ясмиқ экини ушбу экинларга қараганда қурғоқчиликка чидамлилиги юқори бўлиши билан истиқболли экин ҳисобланади. Ясмиқ етиштириш муаммоси бир қатор сабабларга кўра ҳал қилинмаган: ясмиқнинг районлаштирилган навлари кам, мавжудларини ҳам етиштириш агротехникаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган, уруғчилик йўлга қўйилмаган.

Ясмиқнинг ватани жанубий Европа ва Фарбий Осиё ҳисобланиб, ҳозирги кунда дунёда 6,52 млн. гектар майдонда етиштирилиб, Канада (2,30 млн.т), Ҳиндистон (1,26 млн.т), Австралия (0,95 млн.т), Туркия (0,45 млн.т), Россия (0,25 млн.т), Непаль (0,25 млн.т), АҚШ (0,24 млн.т) асосий етиштирувчи давлатлар ҳисобланади [7]. Шунингдек, Ҳиндистон ҳар йили тахминан 2,4 миллион тонна ясмиқ истеъмол қилади. Канадада ясмиқ донини экспорт қилиш давлатнинг асосий экспорт маҳсулотига айланган ва 2022-2023 йилларда Ҳиндистонга ясмиқ етказиб берувчи энг йирик давлатга айланиб, 485,5 минг тонна умумий қиймати 370 миллион долларлик импорт қилган давлат ҳисобланади.

Ясмиқ ўсимлиги озиқ-овқат мақсадида ўстирилиб, чорва учун ҳам унинг ер устки биомассаси, дони, сомони тўйимли озиқа экини бўлиб, дони таркибида 23-36 %, кўк майсаси 8-10% гача оқсил, 48-53% карбон сувлари, 60% крахмал, 0,6-2% мой, витамин В, калий, темир моддалари бўлиб,

оқсилнинг тез эрувчанлиги, донидан тайёрланган таомлар хазм бўлиши осон, шунингдек, турли витаминларга бойлиги билан бошқа дуккакли дон экинларидан юқори туради. [1]. Республикамызда кам етиштирилсада, ясмиқ Шарқнинг қадимги маданий ўсимлиги ҳисобланиб, Ҳиндистон, Грецияда, Мисрда аҳолининг асосий экини сифатида экиб келинмоқда.

Ясмиқ донидан фолиен кислотаси олинади, инсон овқатланишида шу моддани етишмаслиги, инсон танасининг саратон касаллигини олиб келишига сабаб бўлади. Шунингдек, ясмиқ донида изофлавонолар мавжуд бўлиб, бу саратон касаллигини олдини олиш ва қарши қимматли ҳисобланади [3]. Ясмиқ донидан тайёрланган қайнатма буйракдаги тошларни туширишда, тегирмондан ўтказилган уни турли жароҳатлар, яраларни яхшилашда, жигар фаолияти, қондаги шакарни меъёрлаштиришда, ясмиқли овқатлар юрак-қон томир, ошқозон-ичак йўллари касалликларига қарши доривор ҳисобланади [2]. Ясмиқ мунтазам овқатланишда қўлланилса холестерин миқдори камаяди. Ясмиқ қандли диабетда, юрак хасталикларидан истеъмол қилишга тавсия этилади. Вегетарианлар ясмиқни кўп ишлатишда, чунки донида темир ва оқсил, витамин В мавжуд. Ясмиқ экологик тоза маҳсулот беради, унинг донида заҳарли моддалар, нитратлар, радионуклеидлар тўпламайди [4].

Ясмиқ (чечевица) – дуккакдошлар оиласига мансуб, *Lens Adanc* -авлодига мансуб. Мазкур авлод 5 та турни ўз ичига олади: - маданий - оддий ясмиқ - *L.Essulenta*; ёввойи ўсувчилар: - линзасимон ясмиқ - *L.Lentisula Alef*, - қорамтир ясмиқ - *L.Nitrisana Godt*, - шарқ ясмиғи - *L.Orientale Nand*, - Катчи ясмиғи - *L.Kotchyanka Alef*. Маданий ҳолда эса дунё бўйича оддий ясмиқ тарқалган. Оддий ясмиқ – *Lens esculenta Moench* (синоними: *Lens culmenars Mdc*, *vm lens L*), бир йиллик, узун кунли, бўйи 25-75 см, пояси ингичка тик, айрим вақтларда ётиб ўсувчи, ўқ илдири 1 м.гача боради. Биологик хусусиятига кўра баҳорги, совуққа чидамли, амал даври 60-110 кун, ўзидан чангланади, ҳосилдорлиги 15-25 ц/га [6].

Ясмиқ экини ўсув даври 4 га бўлинади. 1. Уруғларнинг униб чиқиши. 2. Майсалаш. 3. Гуллаш. 4. Пишиш. Шунингдек, ривожланиш даври 3 босқичга бўлинади: 1. Экишдан майсаларнинг униб чиқишигача. 2. Майсаларнинг пайдо бўлишидан гуллашгача. 3. Гуллашдан пишишгача. Гуллаш фазаси узоқ давом этиб, гуллаш пастки шохлардан бошланиб, юқорига қараб боради. Гуллаш даврида ҳаво ҳарорати юқори бўлса гуллари тўкилиб кетиши кузатилади. Лекин, гуллаш-пишиш даврида қурғоқчиликка чидамли бўлиб, намликка бўлган талаби камаяди. Бу даврда тупроқ намлиги юқори бўлса, ўсув даври узайиб, вегетатив массаси кўп шаклланиб, касалликлари кўпайиб, ҳосил пасайишига олиб келади. Асосан касалликлардан фузариоз сўлиш касаллиги, занг, аскохитоз, илдиз бактериози, антракноз, зараркундалардан ясмиқ донхўри, ловия донхўри, шира билан кўпроқ зарарланади [5].

Ясмиқни экиш муддатларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Эрта баҳорда ясмиқни тупроқ ҳарорати (10 см.да) 5-6 °C бўлганда экишни бошлаш керак. Уруғи 3-4°C ҳароратда ўса бошлайди. Оптимал тупроқ ҳарорати 8-10 °C бўлганда экилса, униб чиқиши ва майсаларнинг ҳосил бўлиши қулай ўтади. Экишдан олдин уруғлар «Нитрагин» (0,5 кг/2-3 л сув/ 100-150 кг уруғ) билан ишланади. Ясмиқ баҳорда феврал-март ойларида гектарига 60-70 кг/га меъёрида 2,0-2,5 млн/га дона йирик уруғ, 2,8- 3,0 млн/га дона майда уруғлар 4-5 см чуқурликда, қатор ораси 10-15 см, тупроқ ҳарорати 5-6 °C бўлганда экиш керак. Маълумотларга кўра, ясмиқ уруғи ҳарорат 12-15 °C да 6-7 кунда, 9-11°C да 8-9 кунда, 7-8 °C да 10-12 кунда, 5-6°C да 13-15 кунда униб чиққан. Ясмиқни дастлабки униб чиққан майсалари совуққа

(-5-6 °C) чидамли бўлади, кейинги ривожланиш фазаларида пасайиб боради. Ўсув даврида 1400 дан 1900°C фойдали ҳарорат талаб этади [5].

Ясмиқ ўсув даври дастлабки шоналар пайдо бўлгунча секин ўсади, кейин гуллаш даврининг охиригача тез ўсиб, ўсув даври пишиш даврига қадар яна секинлашади. Ясмиқ тупроқ – иқлим шароити, навларига боғиқ ҳолда ўсув даври 60-120 кунни ташкил этади. Ўсув даврига кўра: Эртапишар 60-70 кун, Ўрта эртапишар 70-75 кун, Ўртапишар 75-80 кун, Ўртакечпишар 80-85 кун ва Кечпишар 85 кундан кўп турларга бўлинади. 1000 дона уруғининг оғирлиги 10-100 г.

Ясмиқ тупроққа шароитига талабчан ўсимлик. У қумоқ ва энгил қумлоқли, бўз ва ўтлоқи тупроқларда яхши ўсади, шўрга чидамсиз, сизот сувлари яқин, механик таркиби оғир тупроқларда ёмон ўсади ва ҳосил камайиб кетади. У тупроқни азот билан бойитади, 1 гектар ерда 40-50 кг азот қолдиради ва яхши ўтмишдош экин бўлиб ҳисобланади. Ўтмишдош экинлар бошоқли дон экинлари, маккажўхори, картошка қулай ҳисобланади. Дуккакли экинлар, кунгабоқардан сўнг экилганда ҳосилдорлик кескин камайиб кетиши кузатилган. Ўғитлашда гектарига 40-60 кг P_2O_5 ва 20-30 кг K_2O ўғитлар солинади [6].

Умуман олганда, республикаимизда дон ва дон маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, экин турлари географиясини кенгайтириш, аҳолини оқсилга бой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилашда ясмиқ экинини етиштириш ҳамда ундан юқори ва сифатли дон олишда мақбул агротехнологиясини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Калашникова С.В., Сторожик В.В. Изучение качества чечевицы. // Вестник Российской академии сельскохозяйственных наук. - 2008. - №4. - С.37-38.
2. Крылова В.Б. Чечевица - источник пищевого растительного белка.// Вестник РАСХН. 1994. №1. С. 21-23.
3. Кузнецов И.С. Влияние сроков посева на урожайность чечевицы. // Агро XXII. 2008. № 7-9. С. 30-32.
4. Кузнецов И.С. Влияние сроков посева на продуктивность и качество семян чечевицы // Зерновое хозяйство. 2008. № 1-2. С. 50-51.
5. Рустамов А., Аманова М. Ясмиқ экинидан юқори ҳосил етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирлар бўйича тавсиянома. Тошкент. 2019. 15-б.
6. Яшил нўхат ва ясмиқ етиштириш: илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: «ТАСВИР» нашриёт уйи, 2021. - 40 б.
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.